

Университет Кенгashi  
йиғилишида келишилди  
08.08.2022 й.  
15-сонли баённома

Университет ректорининг  
15.02.2023 й. 55-сонли  
буйруғига илова

Университет Кенгashi йиғилишининг  
27.01.2025 йилдаги 8-сонли баённомаси ҳамда  
Университет ректорининг 28.01.2025 й. 45-сонли  
буйруғи билан ўзгартиришлар киритилган

## ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

#### 1-модда. Ички тартиб қоидаларининг мақсади ва асосий түшүнчалари.

1.1. Мазкур Ички тартиб қоидалари Тошкент Кимё халқаро университетида (бундан кейин матнда – Университет деб юритилади) ўқув жараёни ҳамда университет ҳудудида юриш-туриш жараёнларини тартибга солувчи асосий норматив ҳисобланади.

1.2. Мазкур Ички тартиб қоидалар (бундан кейин матнда – Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Университет Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, асосий мақсади - Университет талабалари (магистрлари)нинг ўқув жараёнидаги, шунингдек, университет биноларида, ҳудудида ва унга тегишли бошқа обьектларида бўладиган бошқа жараёнларни тартибга солишдан иборат.

1.3. Қоидалар Университет ректори томонидан таъсисчилар билан келишилган ҳолда тасдиқлангандан кейин кучга киради.

1.4. Мазкур Қоидалар талабларига амал қиласиган шахслар таркиби Университетга ўрнатилган тартибда қабул қилинган талабалар, магистрантлар, тингловчилар, докторантлар, тадқиқотчилар ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа тоифадаги шахслар, профессор-ўқитувчилар ҳамда университетнинг бошқа ходимлари киради.

1.5. Университет ректори буйруғи билан бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассисликлари бўйича қабул қилинган шахс Университет талабаси ҳисобланади.

1.6. Талабалар таълим олишда тенг ҳуқуқларга эгалар ва агар қонун ҳужжатларида, Университет Устави, мазкур Қоидалар ва/ёки бошқа ички ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу қоидалар асосида вазифаларни бажарадилар.

1.7. Мазкур Қоидаларга мувофиқ, иш берувчи сифатида Университет ректори фаолият олиб боради.

1.8. Мазкур Қоидалар Университет ходимлари ва талабалари (магистрлари) эътиборига етказиш учун Университетнинг расмий сайтида жойлаштирилади.

1.9. Ушбу Қоидаларда қўйидаги асосий түшүнчалар қўлланилади:

**GPA (Grade Point Average)** — таълим олувчининг дастур (ёки тегишли семестр) бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 + \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n}, \quad \text{бунда:}$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо.

**CGPA (Cumulative Grade Point Average)** - тегишли семестрларнинг GPA кўрсаткичлари ўрта арифметик қиймати орқали аниқланади.

**Академик мобиллик** — олий таълим муассасаси талабаларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки чет элдаги бошқа бир олий таълим муассасасига ўқиш мақсадида бориши.

**Мобиллик дастури** — икки ёки ундан ортиқ олий таълим муассасаси ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури.

**Кредит** — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, каср сонларда ифодаланиши мумкин.

**Олий таълим муассасаси** — белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда таълим ва малака тўғрисидаги ҳужжат берувчи муассаса.

**Кредитларни бериш** — малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижаларига кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга кредитларни расмий тақдим этиш жараёни.

**Кредитларни кўчириш** — талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва тан олиш.

**Кредит тўплаш** — таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш.

**Талабанинг (магистрнинг) шахсий таълим траекторияси** — талаба (магистр) томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетлиқда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижада бир хил малака олишга олиб келиши мумкин.

**Таълим дастури** — бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига қўйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик кўрсатмалар мажмуи.

**Таълим дастури каталоги** — олий таълим муассасаси тавсифи, кредит-модуль тизимига кириш, мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, хизматлар ва ресурслар, ўқув фанлари дастурлари, аниқ таълим дастурлари элементлари тавсифи тўғрисидаги ахборот.

**Таълимнинг кредит-модуль тизими** — таълим олувчига йўналтирилган, таълим олиш, таълим бериш ва таълим олувчилар билимини баҳолаш жараёнларининг шаффоғлиги тамойили асосида кредитларни йиғиш ва ўтказишдан иборат тизим.

**Таълим модули (модуль)** — бу ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб оладиган, талабада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурининг таркибий элементи сифатида назорат қилишнинг тегишли тури билан якунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи).

**Таълим натижалари** — талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач талаба ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи.

**Ўқиши юкламаси** — талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари — маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил

ишни амалга ошириш асосида кутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми.

**Рўйхатга олиш хизмати (Регистратор)** — таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар бўйича таълим жараёнига оид маълумотлар базасини шакллантиришни, шунингдек, талабаларнинг барча ўқув натижаларини рўйхатга олиш, билимини назорат қилиш ҳамда уларнинг академик рейтингини ҳисоблашнинг барча турларини ташкил этишини назарда тутувчи хизматлар.

**Таълим элементлари** — таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таълим дастурида кўрсатилган билимларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи ўқитиш тури.

**Транскрипт** — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат.

## **2-модда. Университет шиори.**

### **2.1. Университет шиори:**

- Ўзбек тилида: "Aqlli, malakali va professional bo'!!"
- Рус тилида: "Будь умным, квалифицированным и профессионалом!"
- Инглиз тилида: "Be Smart, Be Skilled, Be Professional".

## **3-модда. Университет талабалари.**

3.1. Талабалар таълим дастурини амалга оширишда асосий иштирокчилар ҳисобланади, шунинг учун ўқув жараёнининг сифатини таъминлашда биринчи навбатда уларнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

3.2. Ўқитиш тартиби талабаларни ўқув жараёнини биргаликда яратишда фаол иштирок этишига ундейди.

3.3. Талабаларнинг таълим натижаларини баҳолаш тизими талабаларга йўналтирилган ёндашувга асосланади.

3.4. Ўқишига қабул қилинган талабалар (магистрлар)нинг шахсий ҳужжатларининг асл нусхаси (академик лицей/касб-хунар коллежини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёки 11 йиллик ўрта таълим мактабини битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома, бакалавр дипломи, баҳолари кўрсатилган иловаси; магистратура мутахассисликларига қабул қилинган магистрлар шахсий ҳужжатлар тўпламида (олий таълимнинг бакалавр даржасини тасдиқловчи диплом (ёки унга тенглостирилган ҳужжат) ва иловасининг асли) Ўқув-услубий бошқармасида сақланади. Ушбу ҳужжатларни талаба университетда таълим олишни тутатмагунга (ёки талабалар сафидан чиқарилмагунга) қадар қайтариб бериш фақат Университет ректори ёки Ўқув ишлари бўйича проректори рухсати асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларни талабага қайтариб беришда талабадан "айланма варақаси" талаб этилади.

3.5. Университетга қабул қилинган талаба университет биноси ва аудиторияларга кириб чиқиш ҳуқуқини берадиган бепул ID карта билан таъминланади. ID карта йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келган тақдирда, унинг дубликатини тайёрлаш ва талабага қайтадан бериш пуллик асосда амалга оширилади. Талабаларни ID карта билан таъминлаш жараёнини ташкил этиш мос таълим йўналиши раҳбари масъулияти асосида амалга оширилади. Талабаларга ID картадан бошқа, талабалик гувоҳномаси ва бошқа муҳр туширилган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

3.6. Талабаларни жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ҳаракатлар ва партиялар, шунингдек уларнинг ушбу ташкилотларнинг фаолиятига, уларнинг тарғибот

кампаниялари ва сиёсий тадбирларига мажбурий жалб этилишига, шунингдек, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

3.7. Аудияториялар, лабораториялар, ўқув хоналарида амалий машғулот дарсларини ўтиш учун ҳар бир курс академик гуруҳларга бўлинади. Таълим сифатини ошириш мақсадида мос таълим йўналиши раҳбари академик гуруҳларни бўлиш, қўшиш, номини ва таркибини ўзгартириш, тугатиш ҳамда ўқув тилини ўзгартириш бўйича таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Академик гуруҳларнинг сони ва таркиби, амалий машғулотлар мазмуни ва фан дастурларига қараб, тегишли йўналиш раҳбарининг таклифига мувофиқ Университет ректори буйруғи билан белгиланади.

3.8. Ҳар бир академик гуруҳда йўналиш раҳбари томонидан гуруҳ етакчиси (лидери, сардори) тайинланади ҳамда талабанинг шахсий варағида (тавсиянома, тақдимнома ва ҳоказо) алоҳида қайд этиб ўтилади.

## **2-БОБ. ҲУҚУҚЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР.**

### **4-модда. Университет талабаларининг ҳуқуқлари.**

4.1. Тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ таълим олиш.

4.2. Ўрнатилган тартибда қўшимча таълим хизматларини олиш.

4.3. Ўз қадр-қиммати, виждан эркинлигини ҳурмат қилиш, ахборот олиш, ўз фикр ва эътиқодларини эркин ифодалаш.

4.4. Университет фаолиятига оид мұхим масалалар мұхокамасида жамоат ташкилотлари ва Университетнинг раҳбарияти орқали иштирок этиш.

4.5. Университетнинг кутубхона ва информацион фондларидан, ўқув-тарбиявий жараён билан боғлиқ тадбирлар доирасида ўқув, илмий ва бошқа бўлимларнинг хизматларидан бепул фойдаланиш.

4.6. Илмий-тадқиқот ишларида, конференцияларда, симпозиумларда, учрашувларда, танловларда иштирок этиши, нашр этиш учун мақолалар бериш.

4.7. Ўқитишининг сифати ва услублари, шунингдек, уларни тақомиллаштириш бўйича ўз фикрларини эркин ифодалаш.

4.8. Ўқув дастурларининг барча талаблари бажарилган тақдирда, имтиҳонларни муддатидан олдин топшириш.

4.9. Талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва талабаларнинг жамоат ташкилотларини ташкил этиш.

4.10. Университетнинг, таълим йўналишининг ва бошқа бўлимларнинг бошқарув органларига сайланиш ва сайлаш.

4.11. Ўқув режаларида кўзда тутилмаган бошқа тадбирларда иштирок этиш.

4.12. Университет раҳбариятининг буйруқ ва фармойишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш.

4.13. Тегишли йўналиш раҳбари билан келишилган ҳолда ўқишдан бўш вақтларида йўналишга мос ташкилотларда ишлаш.

4.14. Турар жойга эҳтиёжи бор талабалар учун Талабалар турар жойида истиқомат қилиш (Талабалар турар жойи мавжуд бўлган тақдирда).

4.15. Талабалар қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

### **5-модда. Университет талабаларининг мажбуриятлари.**

5.1. Таълим олишда танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича таълим дастурини ўзлаштириш учун барча талабларни бажариш.

5.2. Ўқув машғулотларига қатнашиши, ўқув режаси ва таълим дастурларида кўзда тутилган барча топширикларни ўз вақтида бажариш.

5.3. Маданий ва профессионал билим даражаларини ошириш.

5.4. Университетнинг талабалари ва ходимларининг қадр-қиммати, фикри, ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини ҳурмат қилиш.

5.5. Университет Уставига, мазкур Қоидаларга, Талабалар турар жойи Низомига (мавжуд бўлган тақдирда), ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, шунингдек, ўқув ва илмий лабораторияларда техника хавфсизлиги қоидаларига, Университетнинг ички ҳужжатларига қатъий амал қилиш.

5.6. Университетнинг мол-мулки ва адабиёт фондини эҳтиёт қилиши, Университет ҳудуди, ўқув хоналари, умумий фойдаланиш жойларида тозалик ва тартибга риоя қилиши, университет мулкига етказилган моддий зарар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлиш.

5.7. Ўзининг илмий салоҳиятларини ёки билимларини ошириб бориш.

5.8. Иш жойида тарбиявий ишларни ташкил этиш кўникмаларини эгаллаш.

5.9. Ўқув машғулотларига, ўқув йиғинларига, амалиётга ва бошқа ўқув режасида кўзда тутилган жараёнларда қатнаша олмаган тақдирда, тегишли йўналиш раҳбарига бу ҳақида хабар бериши ва машғулотларга қайтган биринчи кунида дарс қолдириш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш (талаба касал бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган шаклдаги тиббий маълумотномани тақдим этади).

5.10. Ўрнатилган тартибда ўзига-ўзи хизмат қилиш асосида техник ходимлар билан биргаликда ўқув хоналарида тозалик ва тартиб қоидаларига риоя қилиш.

5.11. Аудиторияга профессор-ўқитувчилар, Университет раҳбарияти кирган пайтда ўрнидан туриб саломлашиш.

5.12. Ўқув биносида, кўчада ва жамоат жойларида интизомли ва озода бўлиш.

5.13. Университет томонидан берилган ўқув адабиётларини ўз вақтида қайтариш (акс ҳолда, Университет ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатни бермаслик ҳуқуқига эга).

5.14. Таълим олиш учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириши, тўловларга оид ҳужжатларни сақлаши, Университет томонидан сўралган тақдирда, тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш (акс ҳолда, Университет талабани ўқув жараёнидан четлатиш ҳуқуқига эга).

5.15. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки Университетнинг ички мұаммоларига таалуқли масалаларни ижтимоий тармоқларига жойлаштириш ёки үндан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

5.16. Университетда фойдаланиладиган компьютерларда Университетга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоваратни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаши, сақлаши, тарқатиши ва тарғиб этиши қатъиян ман этилади.

5.17. Ўқув дастурларидаги талабларга бўйсунмаслик, Университет Устави ва мазкур Қоидалар талабларини бажармаганликлари учун талабаларга талабалар сафидан четлаштиришгача бўлган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

## **6-модда. Талабаларнинг ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар.**

6.1. Аёллар учун – классик услубдаги костюм, кўйлак, юбка ёки шим, мавсумий пойабзал. Соч тоза ва тартиб билан ўрилган ва йиғиширилган, ораста юз пардози ва кўзга ташланмайдиган рангли маникюр бўлиши керак. Аёллар учун қайси мақомда бўлишидан ва об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар шаффофф, олди ва елка қисми катта очиқ, орқа ва қорни очиқ кийимларда юриш таъқиқланади.

6.2. Эркаклар учун – костюм, классик услубдаги бир хил рангдаги шим ва кўйлак, мавсумий пойабзал. Ҳар доим тоза, озода бўлиши шарт (соч тоза ва калталанган, соқол олинган бўлиши керак).

6.3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 184-1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари тегишли маъмурий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

6.4. Университет ҳудудида спорт формасида юриш таъқиқланади.

## **7-модда. Университетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

7.1. Илмий, техникавий ва маданиятнинг сўнги ютуқларини, амалиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш учун шарт-шароит яратиш.

7.2. Таълим беришнинг илғор методларини ўрганиш ва тадбиқ қилиш.

7.3. Таълим дастурларига мувофиқ ўқув жараёнини зарурӣ ўқув-методик, махсус ва норматив адабиётлар, материаллар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш.

7.4. Университетда кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув режалари ва асосий фанлар бўйича фан дастурларини ишлаб чиқиш.

7.5. Таълим хизматлари сони ва сифатини пасайтирган ҳолда тасдиқланган ўқув машғулотлари жадвалига ўзгартиришлар киритиш, зарур ҳолларда ўқув жараёнини онлайн тарзда ташкил этиш, ўқув машғулотларини, тегишли имтиҳонларни онлайн шаклда ўтказиш.

7.6. Талабалар, тингловчилар билан ўқув-тарбиявий, маданий ва маърифий тадбирларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва бадиий ижодкорлик тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

7.7. Ўқув интизомига қатъий риоя этиш, уни мустаҳкамлаш, ўқув жараёнида вақтни беҳуда йўқотиш ва интизомни бузилишини олдини олиш мақсадида мунтазам равища ташкилий, иктиносидий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш.

7.8. Таълимга оид қонунлар талаблари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мазкур Қоидалар ва университетнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига риоя қилиш.

7.9. Малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда талабаларнинг тиббий жиҳозлар, анжомлар билан таъминланган хонада бепул биринчи шошилинч тиббий ёрдам олиши (тиббий ёрдам) учун зарар шарт-шароитларини яратиш.

7.10. Талабаларнинг техника хавфсизлиги, меҳнат, санитарияси ва гигиенаси, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, фуқаровий мудофаани ўргатишга оид ўқув машғулотларини ўтказилишини ташкил қилиш.

7.11. Университет биноси ва хоналарини соз ҳолатда сақлаш, иссиқлик, ёритиш ва ҳаво тозалаш тизимини соз ҳолатда ишлашини таъминлаш.

7.12. Университет талабаларига ўз вақтида таътиллар берилишини таъминлаш.

7.13. Талабаларнинг ташаббуси ва фаоллигини қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириш.

7.14. Талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш.

7.15. Яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, талабалар турар жойлари, тиббий, спорт иншоотлари, ошхоналар ва бошқаларни (мавжуд бўлган тақдирда) таъмиралиши ва соз ҳолатда сақлаш.

7.16. Университетнинг, шунингдек, тўлов шартномаси асосида таълим олаётган талабалар ва уларни таълим олиши учун тўловларни амалга оширган корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномани бажармаганлик учун мажбуриятлар икки томонлама ёки уч томонлама тузилган шартномалар асосида ҳам белгиланади.

### **3-БОБ. ТАЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТЛАРИ.**

#### **8-модда. Кредит-модуль тизими.**

8.1. Ўқув жараёни Корея Республикасида жорий этилган кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

8.2. Ўқув юкламанинг ҳажмини режалаштиришда битта кредит 15 академик соатга тенг деб ҳисобланади. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкламасини ўзлаштириши зарур.

8.3. Кредитнинг соатлардаги миқдори ва ўқув юкламаси миқдори Университет кенгаши томонидан белгиланади.

8.4. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 20-30 кредит, бир ўқув йилида 40-60 кредит тўплаши белгиланади.

8.5. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади.

8.6. Семестр давомида талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Фанлар таркиби ва уларни ўрганишга ажратиладиган кредитлар миқдори Университет томонидан мустақил белгиланади. Талабалар шахсий таълим траекториясида белгиланган танлов фанлари доирасида фанларни мустақил танлаши мумкин.

8.7. Тегишли ўқув йили бошланишидан камида бир ҳафта олдин талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантириш мақсадида маҳсус шакл асосида мос таълим йўналиши раҳбарига ариза бериши зарур.

8.8. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 20-30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни назарда тутиши, улар таркибида намунавий ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

8.9. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантириш мақсадида маҳсус шаклни белгиланган муддатларда тақдим этмаган тақдирда, Университет мазкур талабанинг шахсий таълим траекториясини мустақил равишда шакллантириш ҳуқуқига эга.

8.10. Академик оқимлар ва гурухлар сони талабалар контингентининг етарлилик тамойилига ҳамда рентабеллик кўрсаткичларига асосланиб тузилади.

8.11. Тегишли бакалавриат таълим йўналишида ўқув режасини муваффақиятли эгаллаш учун, талаба танланган таълим йўналиши ўқув режасида белгиланган кредитни ўзлаштириши шарт.

8.12. Тегишли магистратура мутахассислигида ўқув режасини муваффақиятли эгаллаш учун, талаба танланган мутахассислик йўналиши ўқув режасида белгиланган кредитни ўзлаштириши шарт.

8.13. Талабага сўралган пайтда тегишли курс кредитларини ўзлаштирилганлиги ҳақида транскрипт бепул берилади.

8.14. Тегишли бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) да ўқув режасини муваффақиятли ўзлаштирган Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом, ўзлаштириш кўрсаткичлари қайд этилган диплом иловаси ҳамда маҳсус кўкрак нишони берилади.

#### **9-модда. Таълим дастури тузилмаси.**

9.1. Ўқув йили учун таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, Университет кенгаши томонидан тасдиқланади. Таълим дастури аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил

таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин.

9.2. Таълим дастури тузилмаси бир академик ўқув йилига 40-60 кредит мос келишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Таълим дастурида кредитларнинг миқдори ўқув юкламаси асосида кўрсатилади.

9.3. Талабаларнинг таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштириши ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлиши учун талаблар аниқ белгиланади. Ўзлаштириш қоидалари танланган таълим дастури бўйича ўқитишнинг турли босқичлари учун белгиланган кредитлар миқдорида ёки кредитлар оралиғида ифодаланиши мумкин.

9.4. Таълим дастурининг талабалар томонидан муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш учун Университетнинг тегишли бўлинмалари ва ходимлари, шу жумладан, таълимнинг кредит тизимини бошқариш ва таълим сифатини назорат қилишга масъул бошқарма ёки бўлими, йўналиш раҳбари, мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан маслаҳат ва тушунтиришлар бериб борилади. Маслаҳат доирасида талабаларга таълим олиш натижасида эришган ютуқлар ва тажрибани тан олиш имкониятлари тушунтирилади.

9.5. Университет таълим дастури каталоги ва ўқитиш шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар Университет веб-саҳифасига қулай юкландиган форматда ўқув йили бошланишидан олдин жойлаштириши шарт.

9.6. Таълим дастури ва унинг элементларини амалга оширишга масъул ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган ўқитиш натижалари билан дарс бериш ва баҳолаш жараёни ўртасидаги мувофиқликни таъминлашлари лозим. Ўқитиш натижалари, дарс бериш ва баҳолаш жараёни ўртасидаги ушбу конструктив боғлиқлик таълим дастурларига қўйиладиган муҳим талаб ҳисобланади. Таълим элементларининг амалга оширилишига масъул профессор-ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган натижалар билан таълим бериш ҳамда баҳолаш жараёнлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаши лозим.

## **10-модда. Ўқув жараёни режалаштириш, мониторинг олиб бориш ва таълим сифатини таъминлаш.**

10.1. Ўқув жараёни ўқув ва назорат тадбирлари мажмунини ўз ичига олади. Ўқув тадбирларида барча турдаги аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши назарда тутилади. Назорат тадбирлари таълим олувчиларнинг ўқув режасидаги тегишли фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришини ва уларнинг натижаларини баҳолашни назарда тутади.

10.2. Ўқув жараёни талабалар, иш берувчилар, ўқитувчилар ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот шаклида талабага йўналтирилган ёндашув асосида таълим стандартларини инобатга олган ҳолда режалаштирилади. Ушбу жараёнда иш берувчилар ва талабаларнинг талаб ва истаклари муҳокама қилинади. Барча манфаатдор томонлар таълим дастурининг яратилиши ва ўзлаштирилиши бўйича ўтказиладиган муҳокамага жалб этилиши мумкин. Бундай баҳсларда талабалар вакиллари овоз бериш ҳуқуқи орқали иштирок этишлари мумкин.

10.3. Ўқув жараёни режалаштириш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- намунавий ўқув режаси ва фанлар каталогини илғор хорижий таълим тажрибаси асосида республика иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, кадрлар истеъмолчилари талаблари ва миллий қадриятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда қўшимча равишда танлов фанлар каталогини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий янги авлод адабиётларига таянган ҳолда фанлар каталоги бўйича намунавий фан дастурларини ишлаб чиқиш;

- фанларнинг ишчи дастурини (силлабусни) ишлаб чиқиш;

- ўқув режаси ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда йўналиш раҳбари ёрдамида Регистратор бўлими назорати остида ҳар бир талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;

- ишчи ўқув режаларини тузиш;
- ўқув жараёни жадвалини тузиш;
- академик гуруҳлар бўйича ўқув машғулотлари жадвалини тузиш.

10.4. Ўқув жараёнининг мониторинги таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришиш, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

10.5. Таълим сифати самарадорлигини таъминлаш Университет томонидан амалга ошириладиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим дастурининг ваколатли ташкилотлар тавсифномалари ва талабларига мосликни таъминлаш жараёнларини ўз ичига олади.

## **11-модда. Ўқув йилининг давомийлиги.**

11.1. Ўқув йили давомийлиги 36 ҳафта бўлиб, шундан 30 ҳафтаси академик даврга, 2 ҳафтаси фанларни танлаш учун рўйхатдан ўтишга, 4 ҳафтаси аттестацияларга ажратилади. Ўқув йили давомийлиги ўқув жараёни жадвали билан Университет кенгашининг қарори билан белгиланади.

11.2. Университет кенгаши ўқув йили бошланишини, 2 ойдан ортиқ бўлмаган бошқа муддатга ўзгартириш ҳуқуқига эга.

11.3. Ўқув йили икки семестрга (айрим ҳолатларда уч семестрга) бўлинади.

11.4. Қишки ва ёзги таътиллар давомида мавсумий семестрлар, тайёргарлик ҳафталари, фанлар бўйича қайта топшириш жараёнлари амалга оширилиши мумкин.

## **12-модда. Машғулот турлари. Дарс жадвали. Дарс давомийлиги.**

12.1. Университетда қўйидаги ўқув машғулотлари турлари белгиланади: маъруза, семинар, практикум, назорат дарси, тренинг, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, маслаҳат дарси, маҳорат дарси, мустақил иш, амалиёт, курс иши (курс лойиҳаси), битирув малакавий иши (диплом иши), талabalарнинг ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, ўқув режасида кўзда тутилган бошқа машғулот турлари.

12.2. Дарс жадвали талabalарнинг тоифасига, машғулот турлари, таълим бериш шаклига қараб семестр ёки бошқа давр учун тузилади, ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади ва тегишли алоқа воситалари орқали талabalар эътиборига етказилади.

12.3. Талabalар учун барча турдаги ўқув машғулотлари ва таълим шакллари бўйича юкламалар Университет кенгаши томонидан белгиланган меъёрлар доирасида Университет Уставига мувофиқ белгиланади. Ўқув юкламалари асосий таълим дастури доирасида ишчи ўқув режалари ва ўқув жараёни графиги бўйича аниқлаштириб борилади.

12.4. Академик соатининг давомийлиги – 50 минут. Академик соат тугагандан сўнг 10 дақиқалик танаффус берилади.

12.5. Талabalарнинг ўқув хоналарига дарс бошланишида киришлари ва дарс тугагандан сўнг хонадан чиқишларига фақат ўқитувчининг розилиги билан рухсат берилади.

12.6. Талabalарни дарс жадвалида кўзда тутилган ўқув машғулотларидан бошқа таълим дастурларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлмаган масалалар, шу жумладан, Университетнинг таркибий бўлинмалари масалаларига жалб қилишга йўл қўйилмайди.

12.7. Ўқув жараёни бошланиши билан барча ўқув бинолари ва ҳудудда ўқув жараёни учун зарурий тинчлик ва тартиб сақланиши лозим.

12.8. Ўқув машғулотларини тұхтатиш, ўқув машғулотларида давомида аудиторияга кириш (шу жумладан, бегона шахслар) мүмкін эмас, фавқулодда ҳолатлар бундан мұстасно.

**13-модда. Кредит-модуль тизимида рўйхатта олиш хизматини (Регистратор бўлими) ташкил этиш.**

13.1. Регистратор бўлими таълим ва талабалар билимини баҳолаш жараёнларини алоҳида юритиш, талабалар ҳақидаги академик маълумотларни электрон тарзда автоматик бошқариш ҳамда якуний назоратларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

13.2. Регистратор бўлими талабага танлаган мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эришишда ёрдам беришга қаратилган бўлиб, қуйидаги функцияларни қамраб олади:

- ўқув жараёни графигини тузиш ва у ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;
- талабаларнинг фанларга рўйхатдан ўтишини назорат қилиш;
- академик гуруҳларни шакллантиришда иштирок этиш;
- жорий ва якуний назоратлар ҳамда бити्रуволди якуний аттестацияларини ўтказилишини назорат қилиш;
- рейтинг маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш;
- таълим олаётган талабаларнинг маълумотларини архивга қадар сақлаш;
- транскрипт формаларини шакллантириш ва талабаларнинг маълумотларини киритиш;
- талабалар контингенти бўйича статистикани юритиш.

13.3. Регистратор бўлими белгиланган жадвалга мувофиқ талабаларни фанларга рўйхатдан ўтказади ва талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантиради.

13.4. Талабанинг шахсий таълим траекторияси улар томонидан мустақил равища дарёниш раҳбари ёрдамида намунавий ўқув режаси ва танлов фанлари каталоги асосида умумий ўқиш даври учун тузилади. Шахсий таълим траекториясига ҳар семестридан олдин ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мүмкін.

13.5. Талабаларнинг шахсий таълим траекторияси асосида Регистратор бўлими академик гуруҳларни шакллантиради ва бирон-бир фанга ёзилиш етарли бўлмаган тақдирда, шахсий таълим траекториясини ўзгартириш зарурлиги тўғрисида талабаларга хабар беради.

13.6. Регистратор бўлими ҳар бир талабани рўйхатдан ўтказиш санаси ва вақтини белгилайди (одатда, талаба томонидан етарли GPA кўрсаткичларини тўплаганлиги ва контракт тўловлари амалга оширилганлигига қараб). Биринчи курс талабаларини рўйхатдан ўтказиш улар билан академик ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилганидан кейин (танишув ҳафтаси) бошланади.

13.7. Талабалар танлаган фанларини ҳар семестрнинг дастлабки биринчи ҳафтаси ичida ўзгартириши мүмкін, бу муддатдан сўнг ўзгартиришлар қабул қилинмайди.

13.8. Биринчи курс талабаларини рўйхатта олиш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- йўналиш раҳбари жамоаси талабаларга таълим жараёнини тушунтиради, таълим дастури билан таништиради, тегишли логин ва пароллар билан таъминлайди ҳамда тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланишни ўргатади;
- талабалар профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган таништирув тақдимотларига қатнашади, мажбурий ва танлов фанлари билан танишади ҳамда тегишли танлов фанлари бўйича рўйхатдан ўтади (танлов фанлари бўлган тақдирда);
- талабалар тегишли ахборот ресурслари орқали ўқув машғулотлари жадвали билан танишади ҳамда ўқув жараёнига тўлиқ киришади.

#### **14-модда. Дам олишнинг ташкил этилиши.**

14.1. Университет талабаларига Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларда кўзда тутилган дам олиш кунлари берилади.

14.2. Университет пул маблағлари ва (ёки) моддий-техник база мавжуд бўлган тақдирда талабалар учун спорт ва дам олиш лагерларида тўлиқ дам олишни ташкил этиши, шунингдек, дам олиш уйлари, санаторияларга бориш, экскурсия ва сайёхлик тадбирларини ўтказиш учун имтиёзли шароитлар яратиб бериши мумкин.

14.3. Дам олиш кунларида, заруриятига қараб, имтиҳонлар, лаборатория ва амалиёт дарслари ўтказилиши мумкин.

#### **4-БОБ. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ.**

#### **15-модда. Имтиҳон. Имтиҳон ўтказиш шакллари. Ёзма ишларни текширилиши ва эълон қилиниши.**

15.1. Талабалар таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, Университет томонидан белгиланган назорат мезонлари асосида баҳоланади.

15.2. Назорат усуслари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Назорат мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт. Имтиҳон шакли тегишли кафедра мудири ҳамда Регистратор бўлими бошлиғи билан келишилади.

15.3. Имтиҳон саволномаси (вариантлари) кафедрада маъсул профессор-ўқитувчи томонидан имтиҳон бошланишидан камида икки ҳафта олдин тайёрланади.

15.4. Саволномада саволлар сони камида 200 та бўлиши шарт. Саволлар ўтилган фаннинг тилига мувофиқ тайёрланади.

15.5. Ёзма имтиҳонлар учун тузиладиган варианtlарда битта вариантда 3-10 савол (масала, тест, чизма, жадвал, график ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

15.6. Тест шаклида ўтказиладиган имтиҳонлар учун тузилган саволномада камида 400 та савол бўлиши зарур.

15.7. Тест саволлари ва варианtlари тегишли кафедра мудири томонидан шахсан Регистратор бўлими бошлиғига топширилади.

15.8. Оғзаки, амалий иш, портфолио ва шу каби бошқа лойиҳа ҳимояси шаклидаги имтиҳонлар тегишли кафедра мудири масъуллiği асосида кафедра йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган тартибда ўтказилади.

15.9. Ёзма иши шаклида ўтказиладиган имтиҳонлар учун тузилган саволлар варианtlари Регистратор бўлими томонидан қофоз шаклида чиқарилади.

15.10. Тест шаклида ўтказиладиган имтиҳонлар учун тузилган саволномалар Регистратор бўлими томонидан маҳсус тест ўтказиш дастурига юкланади.

15.11. Тайёрланган варианtlарни имтиҳондан олдин бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман тарқатиш, кўрсатиш, муҳокама қилиш таъқиқланади. Ушбу ҳолатлар аниқланган тақдирда, айбдор ходим ёки профессор-ўқитувчи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш, айбдор талабани талабалар сафидан чиқаришгача масала кўриб чиқилади.

15.12. Талабалар умумий рўйхат шаклидаги ёзма иши саволлари, жавоблари олиб ташланган ҳолдаги тест саволлари, намунавий масалалар ва ҳоказо билан, ўқитилаётган фаннинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли кафедралар томонидан таништирилиши мумкин.

15.13. Тест шаклида ўтказилган имтиҳон натижалари имтиҳон тугаши билан автоматик тарзда компьютер экранида талабага эълон қилинади.

15.14. Бажарилган ёзма ишлар Регистратор бўлими томонидан шифрланади ҳамда тегишли кафедра мудирига баҳолаш учун тақдим қилинади.

15.15. Ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш кўпи билан 5 кун муддатда амалга оширилиши лозим.

15.16. Ҳар бир текширилган ва баҳолангандан ёзма ишда профессор-ўқитувчи томонидан ушбу баҳони асословчи изоҳ қайд этилиши талаб этилади.

15.17. Текширилган ёзма ишлар натижалари Регистратор бўлими томонидан электрон базага киритилади ҳамда ёзма иши 2 йил давомида Регистратор бўлимида сақланади ҳамда муддат ўтганидан сўнг тегишли далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилади.

15.18. Имтиҳон натижалари талабаларга тегишли ахборот ресурслари орқали имтиҳон ўтказилган кунидан бошлаб 10 иш куни ичida маълум қилинади.

15.19. Талаба имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичida апелляция аризасини тегишли таълим йўналиши раҳбарига ўрнатилган шаклга мувофиқ топшириши мумкин. Апелляция натижаси ариза топширилган кундан бошлаб 5 иш куни ичida талабага эълон қилинади. Апелляцияда кўрсатилган ҳолатлар ўз исботини топган ҳолатда масъул ходим (профессор-ўқитувчи)га нисбатан ўрнатилган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

15.20. Апелляция бериш ҳуқуқини сунстеъмол қилишга йўл қўйилмайди, яъни апелляция аризасида аниқ маълумотлар ва далиллар кўрсатилмаган тақдирда, апелляция тақдим этиш муддати ўтган ҳолатда ёки ўрнатилган шаклга мувофиқ тўлдирилмаганда тегишли таълим йўналиши раҳбари (ва кейичалик Регистратор бўлими) мазкур апелляцияни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

15.21. Талабалар амалиёти жараёни бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли кафедра томонидан тасдиқланган низом асосида ташкил этилади.

15.22. Битиравчи курс талабалари томонидан бажариладиган битирав малакавий иши (лойиҳаси) ҳамда битирувондиган фанлараро якуний аттестация тартиби бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли кафедра томонидан тасдиқланган низом асосида ташкил этилади.

## **16-модда. Имтиҳон топшириш ҳуқуқи.**

16.1. Фан учун белгиланган умумий соатнинг 30 фойзидан ортиқ узрли сабабларсиз дарс қолдирган талаба якуний имтиҳонга киритилмайди.

16.2. Тегишли семестр шартнома тўловларини тўлиқ амалга оширмаган талаба якуний имтиҳонга киритилмайди.

16.3. Талаба якуний имтиҳонда қатнаша олмаган тақдирда, тегишли йўналиш раҳбарига бу ҳақида хабар бериши ва машғулотларга қайтган биринчи кунида якуний имтиҳон қолдириш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак (талаба касал бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган шаклдаги тиббий маълумотномани тақдим этади). Бу ҳолатда талабанинг илгари тўплаган рейтинг баллари ҳисобга олинган ҳолда, тегишли йўналиш раҳбари билдиришномаси асосида индивидуал тарзда бепул якуний имтиҳон ташкил этилади.

16.4. Якуний имтиҳонда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган талаба тегишли фан бўйича “қониқарсиз” баҳо (FA - Fail by absenteeism) олган ҳисобланади ҳамда бир марта бепул қайта топшириш имкониятидан маҳрум қилинади.

## **17-модда. Имтиҳонни ўтказиш тартиби.**

17.1. Имтиҳонлар тасдиқланган ўқув жараёни графигига кўрсатилган муддатларда ўтказилади. Дарс машғулотлари давомида имтиҳон ўтказиш таъқиқланади. Зарурият

бўлганда, имтиҳонлар дам олиш кунларида ҳам ўтказилиши мумкин.

17.2. Имтиҳон тасдиқланган график асосида белгиланган вақтида ва белгиланган аудиторияда ўтказилади. Имтиҳон вақтини ва жойини ўзбошимчалик билан ўзгартириш ман этилади.

17.3. Имтиҳон тасдиқланган рўйхат асосида масъул назоратчилар томонидан ўтказилади. Имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга рўйхатда бўлмаган бегона шахсларнинг кириши қатъий таъқиқланади.

17.4. Имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга талабалар, Регистратор бўлимидан тақдим этилган рўйхат асосида, имтиҳон бошланишидан камида 30 дақиқа олдин киритилиши бошланади. Рўйхатда бўлмаган талабаларни аудиторияга киритилиши таъқиқланади.

17.5. Имтиҳон бошланишидан олдин талаба ID карта, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг аслини аудитория назоратчисига кўрсатиши шарт. ID карта ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этмаган талаба имтиҳонга киритилмайди.

17.6. Ҳужжатларнинг соҳта ёки қалбакилиги, бир талабанинг ўрнига бошқа талаба киргалик ҳолати, плагиат, ёрдамчи воситаларни олиб кириш ёки олиб киришга уриниш, ёрдамчи воситалардан фойдаланиш каби ҳолатлар аниқланган тақдирда, талаба имтиҳондан четлаштирилди ҳамда унинг талабалар сафидан чиқарилиши масаласи кўриб чиқилади.

17.7. Имтиҳон топшириш учун аудиторияга кираётган талабанинг ёнида ёзиш учун фойдаланадиган ҳаворанг пастали шарикли ручкадан ташқари бошқа буюмлар бўлмаслиги керак. Имтиҳон ўтказилаётган аудиторияга мобил телефон ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш ва/ёки улардан фойдаланиш таъқиқланади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда имтиҳон давомида оддий калькулятор ва кафедра мудири томонидан рухсат берилган бошқа ёрдамчи воситаларидан фойдаланиш рухсати берилиши мумкин.

17.8. Имтиҳон бошланганидан сўнг келган, яъни кечиккан талаба имтиҳонга фақат Университет раҳбарияти (ректор ва/ёки ўқув ишлари бўйича проректор) ёзма рухсати билан киритилади. Кечикиб келган талаба учун қўшимча вақт компенсация қилинмайди.

17.9. Қуйидаги ҳолларда талаба имтиҳондан четлаштирилди ҳамда унга нисбатан тегишли интизомий ёки бошқа чораларни (талабалар сафидан чиқариш) қўллаш масаласи кўриб чиқилади:

а) имтиҳонга мобил телефон, техник воситалар, “шпаргалка” ва шу каби бошқа ёрдамчи воситаларни олиб кирса, фойдаланса ёки улардан фойдаланишга ҳаракат қилса;

б) имтиҳон вақтида бошқа талабалар, ён атрофдагилар билан гаплашса, қофоз алмашса, имо-ишора қилса, ёрдам берса ёки ёрдам сўраса, ўринга-ўрин кирса;

в) имтиҳон пайти қолган талабалар ва назоратчиларга халақит берса, шовқин қилса;

Г) талаба жавоблар варағига белгиланган тартибдан ташқари турли ёзувлар, белгилар ёки “илтимосномалар” қайд этилган бўлса.

17.10. Талаба имтиҳондан четлаштирилган тақдирда ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади, ушбу талаба тегишли фан бўйича “қониқарсиз” баҳо олганга тенглаштирилди ҳамда бир марта бепул қайта топшириш имкониятидан маҳрум қилинади.

17.11. Имтиҳон бошланишидан олдин аудиторияга масъул назоратчи талабаларга ёзма иши варианtlарини ва маҳсус ёзма иши варақаларини тарқатиб чиқади. Зарур бўлса қўшимча материалларни тақдим этиши мумкин. Талабалар олган варианtlар ва ёзма иши варақаларининг бутлигини текшириб кўради.

17.12. Имтиҳон вақтида талабада бирор бир савол ёки эҳтиёж пайдо бўлган тақдирда, бошқа талабаларга халақит қилмасдан, қўлини кўтариб назоратчига мурожаат қилади.

17.13. Имтиҳон вақтида ҳожатга чиқиш мүмкін бўлади, аммо 10 дақиқадан кўп бўлган муддатга аудиториядан чиқиб кетган талаба, аудиторияга қайта киритилмайди.

17.14. Имтиҳонга ажратилган вақт тугаши билан талабалардан ёзма иши варақаларини қабул қилиш тўхтатилади. Тест шаклида ўтказиладиган имтиҳонда компьютернинг маҳсус дастури автоматик тарзда ўчирилади.

17.15. Имтиҳон тугаши билан ёзма ишлар варақалари, талабаларнинг имзоланган рўйхатлари, тузилган далолатномалар ҳамда ортиқча ёзма иш варақалари аудиторияга масъул назоратчи томонидан Регистратор бўлимига қайтариб берилади.

### **18-модда. Баҳолаш тизими.**

18.1. Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган, яъни даражаси “D” ва ундан юқори бўлган тақдирдагина талабага кредитлар берилади. Талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.

18.2. Баҳолаш талабаларнинг ўқув машғулотларидағи иштироки ва ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича амалга оширилади. Талабаларнинг билими қўйидагича баҳоланади:

Даражा	Балл	Рейтинг	
A+	95 - 100 балл	4.71 – 5.00	OUTSTANDING (аъло)
A	90 - 94 балл	4.46 – 4.70	
B+	85 - 89 балл	4.21 – 4.45	VERY GOOD (жуда яхши)
B	80 - 84 балл	3.96 – 4.20	
C+	75 - 79 балл	3.71 – 3.95	GOOD (яхши)
C	70 - 74 балл	3.46 – 3.70	
D+	65 - 69 балл	3.21 – 3.45	CONDITIONAL PASS (қониқарли)
D	60 - 64 балл	3.00 – 3.20	
F	59 ва ундан паст	2,99 гача	FAIL (қониқарсиз)
FA	*Fail by absenteeism	0.0	FAIL (қониқарсиз)
T	*Transfer	0.0	FAIL (қониқарсиз)
S	*Satisfactory	.....	.....
U	*Unsatisfactory	.....	.....
TP	*Thesis in progress	.....	.....
I	*Incomplete	.....	.....
W	*Withdrawn	.....	.....
E	*Exemption	.....	.....
Chekking	*Chekking	.....	.....

\* Иш жараёнида вақтингчалик шартли равишда фойдаланиш учун.

18.3. Талаба курсдан курсга ўтиши учун ўқув йили давомида ўқитилган кредитларнинг камида 50% ни тўплаган бўлиши шарт.

18.4. Талаба Университетни битириши учун 3.00 дан кам бўлмаган CGPA га эга бўлиши ва ўқитилган фанлар бўйича камида “D” даражасига эга бўлиши шарт.

18.5. 100 фоизлик шкаладан 5.00 GPA шкаласига ўтказиш қўйидагича амалга оширилади:

<b>5.00 шкала</b>	<b>100 фоизлик шкала</b>	<b>5.00 шкала</b>	<b>100 фоизлик шкала</b>	<b>5.00 шкала</b>	<b>100 фоизлик шкала</b>
5.00 — 4.96	100	4.30 — 4.26	86	3.60 — 3.56	72
4.95 — 4.91	99	4.25 — 4.21	85	3.55 — 3.51	71
4.90 — 4.86	98	4.20 — 4.16	84	3.50 — 3.46	70
4.85 — 4.81	97	4.15 — 4.11	83	3.45 — 3.41	69
4.80 — 4.76	96	4.10 — 4.06	82	3.40 — 3.36	68
4.75 — 4.71	95	4.05 — 4.01	81	3.35 — 3.31	67
4.70 — 4.66	94	4.00 — 3.96	80	3.30 — 3.26	66
4.65 — 4.61	93	3.95 — 3.91	79	3.25 — 3.21	65
4.60 — 4.56	92	3.90 — 3.86	78	3.20 — 3.16	64
4.55 — 4.51	91	3.85 — 3.81	77	3.15 — 3.11	63
4.50 — 4.46	90	3.80 — 3.76	76	3.10 — 3.06	62
4.45 — 4.41	89	3.75 — 3.71	75	3.05 — 3.01	61
4.40 — 4.36	88	3.70 — 3.66	74	3.00	60
4.35 — 4.31	87	3.65 — 3.61	73	<b>3.0 дан кам</b>	<b>60 дан кам</b>

18.6. CGPA 3.96 ва 5.00 орасида бўлган талабага “HONOURS” даражаси берилади.

18.7. CGPA 3.00 ва 3.95 орасида бўлган бўлган талабага “SATISFACTORY” даражаси берилади.

18.8. CGPA 0.00 ва 2.99 орасида бўлган талабага “UNSATISFACTORY” даражаси берилади. Талабага “академик огоҳлантириш” эълон қилинади. Огоҳлантириш олган талаба қониқарсиз топширилган фанларни қайта топшириши ёки қайта ўқиши зарур бўлади.

18.9. Бакалавриат таълим йўналишларининг барча шаклларида (кундузги, кечки, сиртқи) ҳамда магистратура мутахассисликларида назорат турлари бўйича рейтинг улушлари қўйидагича:

- Жорий назорат - 30%
- Якуний назорат - 70%

18.10. Жорий назорат меъзонлари тегишли профессор-ўқитувчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Якуний назорат меъзонларига ўзгартириш киритиш Университет ректори ёки ўқув ишлари бўйича проректор рухсати асосида амалга оширилади.

18.11. IELTS 7 ва ундан юқори даражадаги сертификатга эга бўлган талаба “Инглиз тили” фанидан озод этилади ҳамда ушбу фан бўйича максимал А+ даражаси қайд этилади (мутахассислик фанлари бундан мустасно).

18.12. Тегишли кредитларни тўпламаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим оловчилар ўқишдан четлаштирилмайди.

18.13. Курсдан курсга қолган талabalар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди.

18.14. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача, магистратура учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 4 йилгача деб белгиланади.

## **19-модда. Имтиҳонларни қайта топшириш ва қўшимча имтиҳонлар.**

19.1. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

19.2. Касаллиги ва бошқа узрли сабабларга кўра имтиҳонда иштирок эта олмаган талаба имтиҳонни қайта топшириш учун ўрнатилган шаклдаги аризани тўлдириб, асословчи далиллар асосида тегишли йўналиш раҳбари рухсатини олиши шарт. Акс ҳолда, талабанинг тегишли фан бўйича рейтинги “қониқарсиз” (FA) баҳоланади ҳамда бир марта бепул қайта топшириш имкониятидан маҳрум қилинади.

19.3. Жорий ва якуний назорат натижалари йиғиндиси бўйича “қониқарсиз” баҳо (F) олган талабага тегишли фан бўйича бир марта бепул қайта топшириш имконияти берилади. Бунинг учун талаба ўрнатилган тартибда Университет билан махсус шартномани тузади. Бунда талаба томонидан тўпланган жорий рейтинг кўрсаткичи сақлаб қолинади ҳамда талаба фақат якуний назоратни 70 баллик тизим асосида топширади.

19.4. Ўқишини кўчирган (тაълим йўналишини алмаштирган) талabalар томонидан топшириладиган фанлар фарқи 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Бунда Университетнинг “Талabalар ўқишини қайта тиклаш ва университетда ўқишини ички ҳамда ўқишини университетга ташқи кўчириш тўғрисидаги Низом” талабларига қатъий риоя қилинади.

19.5. Имтиҳондан тегишли далолатнома асосида четлаштирилган, якуний имтиҳонга узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган ҳамда якуний назоратни қайта топшириш натижасида ҳам “қониқарсиз” баҳо (FAIL) олган талабага тегишли фан бўйича имтиҳонни қайта топшириш имкониятлари пулли асосда ташкил этилади. Тўлов миқдори имтиҳонни ташкил этишга кетадиган харажатлардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

19.6. Талаба Регистратор бўлимiga ўзининг пулли асосда ташкил этиладиган қайта топшириш имтиҳонига кириш истагини билдиради. Регистратор бўлими ушбу талабани рўйхатга олади, махсус имтиҳонлар жадвалини тузади ва талаба тўлов пулинин тўлаганидан сўнг тегишли имтиҳонларга киритилади.

19.7. Имтиҳонларни қайта топшириш жараёнига жалб қилинган профессор-ўқитувчилар ва ходимларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

19.8. Талаба тегишли фан бўйича қайта топширишдан ўтмаган ҳолда ёки ўз рейтинг балларини кўтариш истагида бўлган тақдирда, тегишли семестр ёки мавсумий семестр давомида тегишли фан бўйича қайтадан ўқиш ҳуқуқига ҳам эга.

19.9. Қайта ўқиш асосий контракт суммасидан алоҳида ҳақ тўлаш асосида ҳам амалга оширилади. Бунинг учун талаба Регистратор бўлимiga мурожаат қилиши ҳамда Университет билан қўшимча контракт тузishi шарт.

19.10. Қайта ўқиш тўлов миқдори фаннинг давомийлиги (кредитлар сони)га қараб, тўлов контракт суммасига кўра белгиланади. Фаннинг контракт суммаси қўйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{Фаннинг контракт суммаси} = \frac{\text{Тегишли йўналиш бўйича семестр контракт суммаси}}{\text{Семестрга ажратилган жами кредитлар миқдори}} * \frac{\text{Фанга ажратилган кредитлар миқдори}}{\text{кредитлар миқдори}} * 0,5$$

19.11. Тегишли фанни қайта ўқиш учун етарли контингент йиғилмаган тақдирда, Университет ушбу фанни қайта ўқишни ташкиллаштираслик ҳуқуқига эга.

19.12. Қайта ўқишда талabalарни баҳолаш тизими мазкур Қоидаларнинг 16-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

19.13. Тегишли фан бўйича имтиҳонни қайта топшириш ҳамда тегишли фан бўйича қайтадан ўқиш имкониятлари бир-бирини истисно этмайди. Талаба бир вақтнинг ўзида ҳам иккала имкониятдан, ҳам ихтиёрий биттасидан фойдаланиши мумкин.

19.14. Талаба ўз рейтинг балларини, шу жумладан GPA кўрсаткичини кўтариши учун Регистратор бўлимига мурожаат қиласди. Бунда талабанинг қўйидаги талабларга мослиги текширилади:

- умуман академик қарздорлик бўлмаслиги;
- ўқиши давомида Университет ички-тартиб қоидаларини бузмаганлиги;
- ўзлаштириш кўрсаткичини кўтармоқчи бўлган фанларининг сони ҳафтасига З тадан зиёд бўлмаслиги;
- қолган барча ўқиган фанларидан камида "С" даражасига эга бўлиши.

Мурожаат қилган талаба юқоридаги талабларга жавоб берса, у билан тегишли шартнома тузилади ҳамда тегишли фанни қайта топшириш имтиҳони пуллик асосда ташкил этилади. Бунда имтиҳон 100 баллик тизим асосида баҳоланади ҳамда жорий назорат натижаси ҳисобга олинмайди.

19.15. Агар академик қарздор талабанинг тегишли фан бўйича жорий назорат ҳамда якуний назорат имтиҳонини қайта топшириш кўрсаткичлари йиғиндиси 60% дан кам бўлса, аммо қайта топшириш натижаси 60% ва ундан юқори кўрсаткичга тенг бўлса, у ҳолда академик қарздор талаба кредитни ёпган ҳисобланади ҳамда унга тегишли фан бўйича "D" (CONDITIONAL PASS) даражаси расмийлаштирилади.

## **5-БОБ. Рағбатлантириш ва чоралар кўриш.**

### **20-модда. Ўқищдаги ютуқлар учун рағбатлантириш.**

20.1. Ўқищдаги ютуқлари, илмий-тадқиқот ишларида ва Университет фаолиятидаги фаол иштироки учун, талabalар, тингловчилар, докторантлар ва илмий тадқиқотчилар учун қўйидаги рағбатлантиришлар белгиланади:

- миннатдорчилик эълон қилиш;
- фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо совға билан мукофотлаш;
- рағбатлантирувчи тўловлар бериш;
- бир марталик алоҳида стипендиялар белгилаш;
- танлов ғолиби унвони бериш;
- Таъсисчилар умумий йиғилиши қарорига асосан контракт тўловига грант асосида имтиёз ёки чегирмалар бериш ва бошқалар.

20.2. Рағбатлантириш тегишли йўналиш раҳбари тавсиясига кўра Университет ректори бўйруғига асосан амалга оширилади ва талabalар, магистрлар, тингловчилар, докторантлар, мустақил илмий тадқиқотчилар ҳамда изланувчилар эътиборига етказилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси рағбатлантирилган шахснинг шахсий варақасида сақланади.

20.3. Моддий рағбатлантириш тусидаги рағбатлантиришлар Университетда тегишли маблағлар мавжуд бўлган тақдирда, молия-хўжалик ишлар бўйича менежер таклифини инобатга олган ҳолда белгиланади.

20.4. Ўқув жараёни, илмий ишларда юқори натижаларга эришган талabalар, Университетнинг номли стипендияларига тавсия этилади.

20.5. Талabalарни стипендия билан тақдирлаш, контракт тўловидан озод этиш ёки чегирмалар билан рағбатлантириш Университет таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан ташкил этилган маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади.

## **21-модда. Ўқув интизомини бузганлик учун жавобгарлик.**

21.1. Мазкур Қоидалар, Талабалар турар жойи тўғрисидаги Низом (мавжуд бўлган тақдирда) ва Университетнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган мажбуриятларни бузганлиги учун талабаларга нисбатан қуийдаги интизомий чоралардан бири қўлланиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- ҳайфсан;
- Университет талабалари сафидан четлаштириш.

21.2. Интизомий чоралар талабанинг тушунтириш хати олингандан кейин қўлланилади. Тушунтириш хатини ўз вақтида берилмаслиги ёки умуман тақдим этилмаслиги ҳолати далолатнома орқали расмийлаштирилади ва Университетни интизомий чора кўриш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

21.3. Талабаларга интизомий чора ҳолат содир этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан ва у юзага келган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан қўлланади, талабанинг касаллиги ва/ёки унинг таътилда бўлган вақти бу муддатга кирмайди.

21.4. Интизомий чоралар кўриш тегишли йўналиш раҳбарининг билдиргисига (тушунтириш хати, далолатнома ва бошқалар билан бирга) кўра Университет ректорининг бўйруғи билан расмийлаштирилади.

21.5. Интизомий чоралар кўриш тўғрисидаги бўйруқлар тегишли йўналиш раҳбарлари томонидан талабалар эътиборига етказилади. Интизомий чоралар кўриш ҳақидаги маълумотлар талабанинг шахсий варақасига ёзилади.

## **22-модда. Талабалар сафидан четлаштириш.**

22.1. Талабалар қуийдаги ҳолатларда Университет талабалари сафидан четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз ҳохишига кўра;
- б) бошқа олий ўқув юртига ўқишга кўчирган тақдирда;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий маълумотномаси асосида);
- г) Университетнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- д) Имтиҳон жараёнида ҳужжатларнинг сохта ёки қалбакилиги, ўринга ўрин кириш мавжудлиги аниқланган тақдирда;
- е) Тайёрланган имтиҳон варианtlари ёки тест саволларини имтиҳондан олдин бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман тарқатиш, кўрсатиш, мухокама қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда;
- ж) таълим учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли;
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) талабанинг Университет билан бир ой сабабларсиз алоқани узганлиги сабабли;
- й) вафот этганлиги сабабли.

22.2. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида академик таътил берилиши мумкин.

22.3. Талабаларни касал бўлган пайтлари, таътил, академик таътил пайтида талабалар сафидан четлаштиришга йўл қўйилмайди.

## **23-модда. Ўқишини қайта тиклаш, бошқа йўналишга кўчириш, бошқа олий таълим мусассасаларида таълим олаётган талабаларнинг ўқишини Университетга кўчириш**

23.1. Университет талабалари сафидан четлаштирилган собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш Қабул комиссияси тавсиясига кўра, собиқ талабанинг аризасига мувофиқ, Университет ректорининг бўйруғига асосан амалга оширилади.

23.2. Талабаларнинг ўқишини Университет ичида бир йўналишдан бошқа йўналишга кўчириш Қабул комиссияси фаолияти даврида йўналиш раҳбарлари билан келишилган ҳолда, талабанинг аризасига мувофиқ, Университет ректорининг бўйруғига асосан амалга оширилади. Бунда, талаба фанлар (кредитлар) фарқини топшириши зарур. Фанлар (кредитлар) фарқини ўзлаштириш умумий тартибга асосан амалга оширилади. Бунда Университетнинг “Талабалар ўқишини қайта тиклаш ва университетда ўқишни ички ҳамда ўқишини университетга ташки қўчириш тўғрисидаги Низом” талабларига қатъий риоя қилинади.

23.3. Бошқа олий таълим мұассасаларида таълим олаётган талабаларнинг ўқишини Университетга кўчириш тартиби Қабул комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

## **6-БОБ. ИНСТИТУТ БИНОЛАРИДА ЮРИШ-ТУРИШ ТАРТИБИ.**

### **24-модда. Жавобгарлик.**

24.1. Ўқув биноларида зарурий ускуна ва жиҳозлар (мебел, ўқув ускуналари, ўртача ҳарорат, ёруғлик ва бошқалар) учун тегишли проректор (менежер), шунингдек, таълим йўналишлари раҳбарлари жавобгардир.

24.2. Лаборатория ва ўқув хона мудирлари, методистлар лабораториялар ва ўқув хоналарида жиҳозлар, ўқув қўлланмаларининг ўқув машғулотларига тайёрглиги учун жавобгар.

24.3. Университет ректори, университетнинг бошқа ваколатли ходимлари билан биргалиқда, Университетни қўриқлаш, ускуна, жиҳозлар ва бошқа мол-мулкларни сақланиши, шунингдек, Университетнинг ўқув ва турар жой биноларида зарурий тартибни таъминлайди.

24.4. Университет бинолари, ундан мол-мулкни қўриқлаш, уларнинг ёнғинга қарши ва санитар ҳолати учун жавобгар шахслар Университет ректори бўйруғи билан Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими, Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими ходимлари зиммаларига юклатилади.

24.5. Байрам ва дам олиш кунларида, шунингдек, фавқулотда ҳолатларда Университет ҳудуди, ўқув биноларида ва турар жойларида, алоҳида иш тартиби ва мол-мулкини сақлашнинг алоҳида тартиби ўрнатилиши, шу билан бирга, масъул ходимларнинг навбатчилиги ташкил этилиши мумкин.

24.6. Университет ректори ва проректорлари (менежерлари)нинг қабул кунлари ва соатлари белгиланади, Университетнинг ахборот стендлари ва сайтида жойлаштирилади.

### **25-модда. Университет ҳудудида, шу жумладан ўқув биноларида қўйидагилар таъқиқланади.**

25.1. Ўқув машғулотлари ва таннафуслар вақтида бинода ва аудиторияларда югуриш, баланд овозда сўзлашиш, шовқин кўтариш.

25.2. Тамаки ва электрон сигаретларни чекиш, ёки уни сотиш / етказиб бериш.

25.3. Спиртли ичимликлар ичиш, токсик, психотроп ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.

25.4. Одоб ва аҳлоқ нормаларига зид ҳақоратли сўзларни ишлатиш ва/ёки жамоат тартиб қоидаларига зид ҳаракатларни амалга ошириш.

25.5. Диний маросимларни ўтказиш ва иштирок этиш.

## **7-БОБ. КОНТРАКТ ТҮЛОВИ.**

### **26-модда. Түловни амалга ошириш.**

26.1. Талаба ҳар семестр учун контракт түловини белгиланган муддатларда амалга ошириш зарур. Белгиланган муддатларда контракт түловини амалга оширмаслик, мазкур талаба имзоланган ўқиш учун түлов контракти шартлари түлиқ бажарилмагунга қадар ўқув машғулотларига киритиласликка сабаб бўлиши мумкин.

26.2. Контракт түлови миқдори ўқув йили бошланишидан олдин эълон қилинади.

26.3. Айрим ҳолатларда, истисно тариқасида контракт түлови муддати Университет раҳбарияти томонидан узайтирилиши мумкин.

26.4. Түловчининг ёзма мурожаатига кўра, Университет контракт түловининг тўлаш муддатлари ва шартларига түловчи билан ўзаро келишув асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

26.5. Университет белгиланган муддатда контракт шартларини бажармаган талабанинг мазкур семестр рейтинг натижаларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### **27-модда. Талабалар сафидан чиқарилган талабаларнинг контракт түлови.**

27.1. Талаба Университет ташаббуси билан талабалар сафидан чиқарилганда, аввалги тўланган пул маблағлари қайтарилилади. Университет талабалар сафидан чиқарилган давригача, кўрсатилган хизматлар учун талабадан түловни амалга оширишни талаб қилишга хақли. Сабабидан қатъий назар (машғулотларга қатнашмаганлиги сабабли ва х.к.). Талаба томонидан тўланган маблағлар, хизматлар кўрсатилган давр учун тўлов ушланиб қолган холда талабанинг расмий аризасига кўра қайтарилади, қолдиқ маблағларни қайтариш суммасини ҳисоблаш талабанинг ушбу шартномани бекор қилиш ва қолган маблағларни қайтариш тўғрисидаги расмий аризаси олинган кундан бошлаб, талабанинг илгари дарс машғулотларига қатнашган ёки қатнашмаганлигидан қатъий назар, амалга оширилади.

27.2. Талаба бошқа олий ўқув юртига ўқишига кўчирган тақдирда талабалар сафидан четлаштириш буйруғи чиққан санасигача бўлган муддат учун контрактда белгиланган тўловларни тўлиқ амалга ошириши шарт.

27.3. Талабанинг талабалар сафидан четлаштирилиши талабани Университет томонидан тақдим этилган таълим хизматлари учун түловни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

## **8-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.**

### **28-модда. Амал қилиш муддати.**

28.1. Мазкур Қоидалар Университет Кенгаши қарори билан маъқулланган ҳамда Университет ректори буйруғи билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

### **29-модда. Ўзгартиришлар киритиш.**

29.1. Мазкур Қоидаларга ўзгартириш ёки қўшимчаларни киритиш Университет ректори буйруғи асосида амалга оширилади.